

**Самарқанд давлат университетида 2021 йилда ўтказилиши
режалаштирилаётган илмий ва илмий-амалий анжуман
АСОСНОМАСИ**

1. Анжуманнинг мавзуси: Рақамли иқтисодиётни ривожлантириш шароитида аҳолининг иш билан бандлигини таъминлаш муаммолари ва истиқболлари.

2. Анжуман мақоми: Халқаро илмий анжуман.

3. Илмий ва илмий-амалий анжуманни ўтказиш учун асос бўлган Ўзбекистон Республикаси Президенти фармонлари, қарорлари, Вазирлар Маҳкамаси қарорлари, фармойишлари ёки бошқа манбалар. Мазкур анжуман Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ПФ-4947-сонли Фармони, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 24 майдаги «Бандлик соҳасида давлат сиёсатини янада такомиллаштириш ва меҳнат органлари фаолияти самарадорлигини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-5052-сонли Фармони, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 24 майдаги «Ўзбекистон Республикаси бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-3001-сон Қарори, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 24 майдаги «Ўзбекистон Республикаси бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-3001-сон Қарори, 2019 йил 30 апрелдаги «Республика иқтисодиётига тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб қилиш механизмларини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари» тўғрисидаги Қарори, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 8 июндаги «Тадбиркорлик фаолияти ва ўзини ўзи банд қилишни давлат томонидан тартибга солишни соддалаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-4742-сонли Қарори ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 12 январдаги «Илмий – инновацион ишланма ва технологияларни ишлаб чиқаришга тадбиқ этиш механизмларини яратиш чора-тадбирлари тўғрисидаги» №24-сонли қарорлари асосида ўтказилади. Анжуман доирасида рақамли иқтисодиётни ривожлантириш шароитида аҳолининг иш билан бандлигини таъминлаш муаммолари ва истиқболлари назарий, услубий ва амалий жиҳатдан таҳлил этилади, хулоса ва таклифлар келтирилади.

4. Анжуманнинг илмий йўналиши, мақсад ва вазифалари: анжуманда муҳокама этиладиган маърузаларнинг илмий йўналишлари рақамли иқтисодиётни ривожлантириш шароитида аҳоли иш билан бандлигини ошириш ва ишсизликни камайтириш, иш билан бандликнинг анъанавий ва замонавий шакллари жорий этишнинг ижтимоий-иқтисодий, ташкилий-институционал жиҳатларини такомиллаштириш ҳамда норасмий иш билан бандликни камайтириш муаммоларини назарий ва амалий

жихатдан таҳлил қилиш билан боғлиқ бўлиб, унинг республикамиз ижтимоий-иқтисодий тараққиётидаги ўрни ва аҳамиятига қаратилади.

Мақсади ва вазифалари: анжуманнинг асосий мақсади рақамли иқтисодиётни ривожлантириш шароитида аҳоли иш билан бандлиги даражасини ошириш ва ишсизликни камайтиришнинг назарий, услубий ва амалий жиҳатларини такомиллаштириш бўйича илмий асосланган таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш, олинган илмий тадқиқот натижаларини амалиётга жорий этиш масалаларини муҳокама этиш.

Анжуманнинг вазифаларини қуйидаги соҳалардаги натижаларга асосланиб муҳокама этиш:

– рақамли иқтисодиётни ривожлантириш шароитида аҳолини иш билан таъминлашнинг ҳудудий хусусиятларини аниқлаш ва ушбу йўналишда амалга оширилаётган чора-тадбирларнинг устувор йўналишларини тадқиқ этиш;

– уюлмаган ёшлар, ишга жойлашишга муҳтож аҳоли ва ишсизларни бир марталик ёки вақтинчалик иш билан таъминлаш самарадорлигини оширишнинг ташкилий-иқтисодий асосларини ишлаб чиқиш;

– жаҳонда юз бераётган пандемия шароитида ишсизларни иш билан таъминлаш ва уларни ижтимоий ҳимоялаш тизимини такомиллаштиришнинг илмий-услубий ва амалий жиҳатларини тадқиқ этиш;

– ўрта ва ўрта махсус маълумотга эга бўлган ишсизларни қисқа муддатларда меҳнат бозорида талаб юқори бўлган анъанавий ва замонавий ишчи касбларга қайта тайёрлаш тизимини амалиётга жорий этиш бўйича тавсиялар ишлаб чиқиш;

– иш билан бандликнинг ностандарт шаклларини тадқиқ этиш;

– аҳолининг норасмий иш билан бандлигини камайтиришнинг институционал асосларини такомиллаштириш;

– рақамли иқтисодиётни ривожлантириш шароитида аҳолини иш билан таъминлаш ва янги иш ўринларини яратиш дастурларини такомиллаштириш бўйича амалий тавсиялар ишлаб чиқиш;

– меҳнат миграциясини давлат томонидан тартибга солишнинг самарали механизминини тадқиқ этиш.

5. Муҳокама қилинадиган муаммолар:

•рақамли технологияларга асосланган иқтисодиётни шакллантиришнинг назарий ва амалий масалалари;

•уюлмаган ёшлар, ишга жойлашишга муҳтож аҳоли ва ишсизларни бир марталик ёки вақтинчалик иш билан таъминлаш самарадорлигини ошириш муаммолари;

•ўрта ва ўрта махсус маълумотга эга бўлган ишсизларни қисқа муддатларда меҳнат бозорида талаб юқори бўлган анъанавий ва замонавий ишчи касбларга қайта тайёрлаш тизимини такомиллаштириш масалалари;

•аҳолининг норасмий иш билан бандлигини камайтиришнинг институционал асосларини такомиллаштириш муаммолари;

•меҳнат миграциясини давлат томонидан тартибга солишнинг самарали механизмини тадқиқ этиш масалалари.

6. Ўтказиладиган анжуманнинг Давлат илмий-амалий дастурлари, халқаро илмий ҳамкорлик дастурлари билан боғлиқлиги. Анжуман мавзуси доирасида СамДУнинг рақамли иқтисодиёт факультети давлат илмий-амалий дастури доирасидаги илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда.

7. Анжуман натижаларидан кутилаётган илмий, ижтимоий ва иқтисодий самарадорлик. Анжуман натижалари анжуман мавзуси бўйича келгусидаги илмий тадқиқотлар йўналишларини аниқлаштириш, ривожланган мамлакатларнинг рақамли технологияларини ўрганиш орқали меҳнат бозорида иш билан бандлик даражасини ошириш ҳамда рақамли иқтисодиёт йўналиши бўйича олий таълим муассасалари талабалари учун дарсликларнинг янги авлодини яратишда фойдаланилади.

8. Илмий анжуманда ёш олимлар, мутахассислар, докторантлар ва магистрларнинг иштироки этиши. Анжуманда республикамизнинг етакчи иқтисодчилари, амалиётчи иқтисодчилари, шу соҳанинг бошқа иқтисодчи мутахассислари, профессор-ўқитувчилари, тадқиқотчилари ва магистрантлари ҳамда чет эллик мутахассисларнинг иштироки кўзда тутилган.

9. Ҳамкорлар билан келишилганлик тўғрисида розилик хатлари. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги билан келишилган ҳолда таълим муассасалари билан ҳамкорлик ўрнатилади.

10. Анжуманни ўтказишда республикада мавжуд соҳа ташкилотларнинг иштироки. Анжуманда Самарқанд давлат университети, Тошкент давлат иқтисодиёт университети, Г.В.Плеханов номидаги Россия иқтисодиёт университети (РФ) ва унинг Тошкент шаҳридаги филиали, Москва давлат университети (РФ), Томск давлат университети (РФ), республика олий таълим муассасалари, республикамизнинг етакчи ишлаб чиқариш корхоналари мутахассислари ва бошқаларнинг иштироки кўзда тутилган.

**Илмий ишлар ва
инновациялар бўйича проректор**

Х.Хушвақтов